

Урганч туман

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Урганч туман МТБ (марказлашган)** номидан **Низом** асосида иш қўрувчи бошлиги **О.Пирназаров** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **“SUROJ FORWARD” МЧЖ** номидан **Низом** асосида иш қўрувчи **М.Джуманиязов** иккинчи томондан : **Урганч туман МТБга қарашли 19-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш** буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### **I.Таърифлар**

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:  
ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;  
қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.  
Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қуйилади;  
Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;  
Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;  
Шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### **II.Шартнома мавзуси**

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Урганч туман МТБга қарашли 19-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш** смета лойиҳада қўзда тутилган объектни қуриш буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш,уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **III.Шартнома буйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиганган, танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг билан тасдиқланган ишлар қиймати **ҚҚС** ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **113 890 853,39( бир юз ўн уч миллион саккиз юз тўқсон минг саккиз юзэллик уч сўм 39 тийин)** сўмни ташкил қилади.

4.Ишлар қиймати ўзил-қесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно :  
қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч(форс-мажор)ҳолатлари сабаб булганда;  
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5.Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

### **IV.Пудратчининг мажбуриятлари**

7.Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:  
барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1 - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва ёки жалб қилинган қучлар билан

бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш, бунда объект нархининг камида 20% микдоридеги ишларни уз кучлари билан бажариши шарт;  
курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;  
Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;  
курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;  
мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;  
курилиш майдони курикланишини таъминлаш;  
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: (пудрат шартномасига асосан 1-илова ишларни бажариш графика 2-илова молиялаштириш графика) мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;  
ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини таъминлаш;  
Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул килиш;  
Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 - иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;  
Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

9. Шартнома: миллий валюта "Сум" да узаро ҳисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада "сумда" узаро ҳисоб-китоб килинганда – шартнома конун ҳужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

10. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган ишларни бажари графика мувофик шартнома тузилган кундан бошлаб кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30 кунни** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига мазкур шартнома буйича ташкилотнинг молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ишларни умумий қийматининг 30 фоиз микдоридеги аванс ўтказди, бу **34167256 (ўттиз тўрт миллион бир юз олти миң етти миң икки юз эллик олти) сўм** 00 тийини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул килингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод килинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

18. Буюртмачи курилиш майдонида уз вақилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек

Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19.Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

20.Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган булса ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

21.Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

22.Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди

#### **IX.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор)ҳолатлари**

23.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

24.Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса,у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қилидилар.

25.Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **X.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

26.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

27.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган қундан бошлаб 3 қун мобайнида қабул қилиб олинади.

28.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 қун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

29.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XI.Қафолатлар**

30.Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари,қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини, узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектлан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31.Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

## **XII.Шартномани бекор килиш**

32.Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан кун вақтга кечиктирилганда;  
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кунга келганда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;  
Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;  
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

33.Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб куйилганда;  
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

34.Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

35.Мазкур шартномани бекор килишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36.Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

37.Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XIII.Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

38.Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси конунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39.Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40.Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

41.Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утқазиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоиз миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида баргараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утқазиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,05 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

42.Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

43.Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

**ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ**  
44. Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш буйича коидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш буйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

45. Томонлар коррупцияга қарши коидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

46. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошка томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

#### XIV. Низоларни хал этиш тартиби

47.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

#### XV. Алохида шартлар

48.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

49.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзоланиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб қучга қиради ва 31.12.2022 йилгача қадар амал қилади.

50.Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

51.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

52.Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга булган 2 нусхада тузилди.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ


##### ПУДРАТЧИ:

##### БУЮРТМАЧИ:

<b>“SUROJ FORWARD” МЧЖ</b>	<b>Урганч туман МТБ (марказлашган)</b>
Манзили: Хива шаҳри Авесто 14 уй	Манзили: Мустақиллик кучаси 35-уй
Тел/факс:	Тел/факс: 35-21-146
х/р: 20208000100356911001	ш/хр: 100022860332177091100251002
ИНН: 302 983 445	ИНН: 305153462 ОКОНХ: 92400
Банк : ККБ Тошкент Амалиёт бўлими	<b>Молия Вазирлиги Ғазначилиги</b>
МФО: 01037	Ғазна х/в : 23402000300100001010
	Банк : Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО: 00014
	ИНН: 201122919



М.Джуманиязов



О.Пирназаров

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

RV2050357183

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Urganch tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**SH.K.XO'JANIYOZOV**

08.11.2022

Урганч туман МТБга қарашли 19-сон ДМТТ биносини жорий таъмирла буйича ойлар давомида  
ишларни бажариш графиги

1-илова


Тр	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022-йил учун ишларни бажариш киймати											
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ		
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Урганч туман МТБга қарашли 195-сон ДМТТ биносини жорий таъмирла	113 890 853,39	4	5	6	7	8	9	11	12	13	14	15	16



Урганч туман МТБга карашли 19-сон ДМТТ биносини жорий таъмирла буйича ойлар давомида  
 молиялаштириш графиги

2-илова

Тр	Объект номи ва манзили	Хажми бирлигининг киймати	2022-йил учун молиялаштириш киймати											
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ		
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Урганч туман МТБга карашли 19-сон ДМТТ биносини жорий таъмирла	113 890 853,39												
	Аванс суммаси	34 167 256,00												
	Бажарилган иш учун	79 723 597,39												





## МАЪЛУМОТНОМА.

Урганч туман мактабгача таълим бўлимига қаршли 19-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш бўйича туман Урганч МТБ томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш электрон порталига 2022-йил 26-октябрда 22110012171074-сонли Лот рақами билан жойлаштирилди ва 02-ноябрда танлов тугади.

Ушбу танловда “SUROJ FORWARD” МЧЖ ва “Гулланбог Қурилиш Монтаж” МЧЖ қатнашдилар ва туман МТБ томонидан қўйилган талаблар асосида жами ҳисобда 91,0 балл тўплаб “SUROJ FORWARD” МЧЖ ғолиб деб топилди ва 2 кун муҳокама қилиниб талабгорлар томонидан ҳеч қандай этирозлар бўлмади ва ғолиб ташкилот билан 07-ноябр куни пудрат шартнома қилинди.

Ушбу маълумотномани тўғри деб қуйида имзо чекувчи комиссия аъзолари:

1. Д.Исмоилов
2. М.Якубова
3. А.Жуманиязов
4. Ш.Рахимов
5. А.Эгамберганов

